Биография

Ҳалима Йўлдошева



Ҳалима Йўлдошева 1947 йил Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1964 йил мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетига ўқишга кирди. Уларга 3-курсда фонетикадан махсус курс ўқиган таниқли тилшунос олима Сора Отамирзаева Ҳалима Йўлдошевадаги қобилиятни сезади ва унга фонетикага оид адабиётлар билан танишиб боришни маслаҳат беради. 1969 йили Ҳалима Йўлдошева университетни муваффақиятли тугатиб, ЎзР Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти фонетика бўлимида лаборантликдан меҳнат фаолиятини бошлайди. 1971-73 йилларда собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси Тилшунослик институти Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) бўлимида стажёр-тадқиқотчи сифатида илмий изланишларини давом эттирди. Забардаст туркийшунос олим Александр Михайлович Шчербак раҳбарлигида туркий тилларнинг товуш тизими, туркий тиллар фонетикасининг қиёсий таҳлили, туркий тиллар фонетикасидаги ўзига хос хусусиятларнинг экспериментал фонетика методларини чуқур ўрганди.

1988 йилда А.Шчербак ва С.Отамирзаева раҳбарлигида “Ҳозирги замон ўзбек тили сўроқ жумлаларининг интонацияси” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳалима Йўлдошева институтда ишлаш жараёнида кўплаб маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда, ёшларга етакчилик қилишда фаол қатнашди.

1992-96 йилларда Тошкент кимё-технология институтида кафедра мудири, 1996-2006 йилларда эса Ўзбекистон давлат консерваториясида ҳам кафедра мудири лавозимида ишлади. Консерваторияда ишлаган йиллари “Мусиқа” газетасига муҳарририлик қилди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда “Истеъдод” жамғармаси томонидан таъсис этилган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи”, Республика танловида 6-синф “Ўзбек тили” дарслиги совриндор бўлди.

Ҳ.Йўлдошеванинг 3та дарслик, 10 дан ортиқ ўқув қўлланма ва дастурлари, 100 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалари эълон қилинган.

Таниқли тилшунос олима ҳамон изланишда.

Асарлари:

1975 Различные способы измерения частоты основного тона. Вопросы литературоведения и языкознания (сборник). Ташкент .

1978 Сўроқ гап методикаси. Тилшунослик (тўплам).

1986 Взаимная компенсация компонентов интонации. Фонетика языков Сибири и сопредельных регионов. Новосибирск .

1989 «Роль динамического компонента в узбекской интонации». Всесоюзная конференция «Тюркская фонетика», Алматы .

2004 Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 5-синфи учун “Ўзбек тили” дарслиги (ҳаммуаллиф), Тошкент
Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 6-синфи учун “Ўзбек тили” дарслиги (ҳаммуаллиф), Т., “Ўқитувчи”

2005 Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 6-синфи учун “Ўзбек тили” дарслиги (ҳаммуаллиф), Т., “Шарқ”.

2007 “Паузанинг лингвистик таҳлили”. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, Тошкент .

Copyright © 2022
All Rights Reserved.